



- * Ёшлар буюк давлатнинг ҳақиқий эгалари
- * “Чимилдик”да: Ўғай она. Сарсон кувёв. Душман янгалар.
- * Соч камлиги ирсиятга боғлиқми? Камқонликчи?
- * Совчига саватчанинг бўш қайтиши норозилик аломати.



Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 27 февраль Шанба.
№ 16 (144207)

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — ЮРТИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ

Мамлакатимиз пойтахтида 16 февраль куни амалга оширилган кўпорувчилик ҳаракати ҳар биримизни ҳушёрликка, бугунги осойишта ва тинч ҳаётнинг қадрига етишга, уни ҳимоя этишга чақиради. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ҳалок бўлганлар хотираси олдида бош эгади. Шу муҳим кунларда халқимизнинг жипслиги ва иродаси, келажакка, танлаган йўлимизнинг тўғрилигига ишончи яна бир бор намоён бўлди. Айни пайтда мамлакатимиздаги бунёдкорлик жараёни ўз маромида давом этмоқда. Портлаш оқибатида зарар кўрган бинолар таъмирланмоқда.

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамаси биносидида амалга оширилаётган таъмирлаш ва қурилиш ишлари билан танишди.

Маълумки, кўпорувчилик оқибатида бинога жиддий зарар етказилган эди. Давлатимиз раҳбари бинони таъмирлаш лойиҳаларини кўздан кечириб, тегишли маслаҳатлар берди. Барча ишларда бинонинг мустаҳкамлигини ошириш, унга миллий тус бериш асосий мезон бўлиши муҳимлигини уқтирди. Бинонинг ички ва ташқи кўринишидаги ўзгаришлар, ён-атрофидаги яшил майдончалар унинг салобати ва шинамлигини ошириши зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, Президент Ислон Каримов пойтахтимизда бунёд этилаётган Хотира майдонидаги ишларнинг бориши билан ҳам яқиндан танишди. Бугунги кунда бу ерда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Икки юзга яқин қурувчи, пардозловчи, ҳунарманд бу маънавий ёдгорлик қурилишида катта шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Йўлбошчимиз барпо этилаётган бу муқаддас қадамжо ўтганларни ёдга соладиган, уларнинг руҳи олдида бош эгишга ундайдиган, шу билан бирга, меъморий ечим билан ўзига хослик касб этадиган маскан бўлиши кераклигини алоҳида қайд этди. Президентимиз Ватан учун қурбон бўлганларнинг хотираси барҳаёт, деган ғоя майдонда ўз ифодасини топиши зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Президент Ислон Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлиб, жумладан бундай деди:

- Бу ерга келган киши Хотира майдони нима учун барпо этилгани, у ҳаётимизда қандай ўрин тутиши, инсон

учун қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқ ҳис қила оладиган бўлсин. Хотира майдони - бутун халқимизнинг иродаси билан бунёд этилаётган қадамжо. Шу боис юртимизни ўзининг муқаддас Ватани деб биладиган, Хотира деган муқаддас туйғуни қалбдан ҳис этадиган ҳар бир инсон бу ишга ҳисса қўлиши керак, деб ўйлайман.

Хотира майдони халқимиз маънавиятининг юксалишига хизмат қилиши зарур. Зеро, бизга шу мусаффо ва тинч осмонни қолдирган аجدодларимиз ёди муқаддасдир.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимиз Тошкентда 16 февралда содир этилган воқеалар хусусида тўхталиб, беғуноҳ қурбон бўлганларнинг хотираси олдида бош эгиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлади.

- Шундай синов, қийинчиликлар пайтида, бошга кулфат тушганда, одамзод иродасининг, иймонининг мустаҳкамлиги, ҳаётга, ён-атрофдагиларга муносабати намоён бўлади, - деди жумладан Президентимиз. - Шу жиҳатдан халқимизга мустаҳкам иродаси, ҳамжиҳатлиги, амалга ошираётган ишларимизга юксак ишончи учун таъзим қилсак арзийди.

Ўтган мусибатли кунларда ваҳима ва парокандаликка тушмаган, ўзининг кучли иродасини кўрсатган халқимиздан жуда миннатдорман, деди Йўлбошчимиз. Бундай халқни ҳеч қачон енгиб бўлмаслигига, у ўз фарзандларини ёвуз кучларга бериб қўймаслигига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Энди сезгир ва ҳушёр бўлишимиз ке-

рак, дея таъкидлади Президент. Атрофимиздаги ва орамиздаги ганимларимизни таниб олиш, бизга ким душману ким дўстлигини яна бир бор англаб етишимиз зарур.

Бир пайтлар, Энг катта орзуингиз нима? деб сўрашганида, «Менга ишонган халқимни доим омон кўриш», деб жавоб берган эдим. Бу гапимни бутун яна такрорлашим мумкин. Зеро, энг катта бойлигимиз — юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги.

Президент Ислон Каримовнинг иншоотлар билан танишуви чоғида унга Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

Зоракдан тўқилган дардлар

ЙЎЛЛИМИЗДАН ҚАЙТМАЙМИЗ

Бундан уч йил муқаддам отам оламдан ўтди. Отасизлик ёмон бўларкан. Лекин Президентимизнинг уйимиз тўридаги суратларига тикилсам, ойнаи жаҳонда нутқларини эшитсам, отамни кўргандай кўнглим яйраб кетади. Ислон Каримов фақат менга эмас, Ўзбекистоннинг миллионлаб болаларига меҳрибон, ғамхўр ота ҳисобланади. Шундай одамга қўл кўтарган разил кимсалар бутун халқ ғазабига дучор бўлишади. Улар бу ҳаракат билан буюк келажак сари бораётган Ўзбекистонни йўлдан қайтармоқчи бўлишди. Беҳуда чиранишади, ёвуз ниятлари ўзларига ёпишсин!

Президентимиз Аллоҳ назари тушган мухтарам зот бўлганлиги учун Яратганининг ўзи асраб қолди. Биз, ёшлар ҳар қачонгидан ахил, жипс бўлиб Юртбошимиз гоёларини рўёбга чиқариш учун курашамиз.

О.ОЛИМЖОНОВ,
Тошкент шаҳар,
Самарқанд дарвоза
кўчаси, 4-уй

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Президентимизнинг “Ёшларга ишонаман, улар биз кураётган буюк давлатни ҳақиқий эгалари” деган сўзлари бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшди. Биз ёшларга меҳнат қилиш, касб-хунар эгаллаш, билим олиш борасида яратилаётган имкониятларни теран ҳис қилиб, озод ва обод юртимиз равақи йўлида ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз.

Эндиликда бизнинг бу улусимиз қора кучлар кўз тиккан жаннатмакон юртимиз келажиги учун нақадар зарурлигини чуқурроқ англадик.

Бизнинг сафимизда бепарво, лоқайд жамиятимизга ёт баъзи бир кимсалар таъсирига берилган ёшларга ўрин йўқ.

Уларга нисбатан ўзимизнинг қатъий фикримизни билдирамиз. Халқимизда “Отага қўл кўтарган фарзанд — падаркуш” дейилади. Шундай экан, машғум ниятни кўнгилга жойлаб, ҳаракат қилганларни падаркуш деб атаймиз. Ишонамизки, улар тез кунда муносиб жазосини олишади.

Андижон вилояти
Жалолқудуқ тумани
ёшлари номидан Т.НОСИРОВ,
О.ҲОЗИРОВА ва бошқалар,
(Жами 27 имзо)

ИСТИҚЛОЛНИНГ ҚАДРИГА ЕТДИК

Ўзбекистон дунёга танилмоқда, фақат истиқлол туфайли бизнинг шифохонамизга Япониядан келтирилган энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ўрнатилди. Айниқса, қишлоқ жойларида тиббий хизматни яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича давлат дастури доирасида катта ишлар амалга оширилди. Йилдан йилга турмуш шароитимиз ўзгариб, фаровонлашиб бораёпти. Энди ўйлаб кўрсак, бу ютуқларимизни дили қора кимсалар кўролмаётган экан.

Биз ўз бой тарихига эга, жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган буюк халқимиз. Юртбошимизнинг ғайрат-шижоати билан мустақиллик йиларида дунё халқлари бизни қайтадан кашф этди. Ватанимизнинг бундан-да қудратлироқ, бундан-да буюкроқ бўлиш учун аввало тинчлик, осойишталик керак. Ҳозирги дорилон кунларимизга раҳна солувчилар ҳеч қачон ўз мақсадларига эришолмайдилар. Чунки биз истиқлол қадрини охиригача тушуниб етдик.

Андижон шаҳридаги
1-болалар шифохонаси жамоаси

АМАЛИЙ ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” жамғармаси бошқарувида Республика Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланган “Мустақил Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури” нинг муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этишди. Йигилишни “Камолот” жамғармасининг раиси Ҳотам Абдураимов олиб борди. Сўзга чиққанлар шу йил 16 февралдаги ноҳуш воқеаларга муносабат билдириб, ёшлар билан ишлашда ўзига хос ёндашув, йигит-қизлар қалбига йўл топа билиш ҳақида батафсил фикр юритишди. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни тақомиллаштириш ва янада мувофиқлаштириш мақсадида жамғарма қошида ишчи гуруҳи тузилиб, жойларда ҳам уларни ташкил этишга келишиб олинди.

НОЗИМА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Дўрмон Қароргоҳида юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, журналистлар билан учрашув асосан шу йилнинг 16 февраль кунни қора ният-ли кимсалар томонидан содир этилган муҳиш ҳодисаларга бағишланди. Мазкур учрашувда Йўлбошчимиз бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти билан йиғилганларни атрофлича, батафсил таништириб ўтдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Урта Осиё минтақасида ўзига хос аҳамият ва мавқега эга. Ушбу минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш юртимиздаги тинч, осуда ҳаёт билан уйғунлашиб кетган. Негаки бутун бир Урта Осиё минтақасидаги тинчлик Ўзбекистондаги барқарор вазиятга бевоқифа боғлиқдир. Шу боис ҳам ёвуз кимсалар содир этган террорчилик замирида қандай ниятлар борлигини англаб етиш унчалик ҳам мушкул эмас. Биз нафақат мазкур жиноятни содир этган кимсаларни топишимиз, балки уларни шу ишга ундаган кучлар хусусида ҳам жиддий фикр юрити-

шимизга тўғри келади. Сабаби ўша муҳиш воқеалар ижроқиси ёшлардир. Учрашув иштирокчиси сифатида мени шу нарсалар ўйлантириб

билан дўстлашяпти ва умуман ёшларнинг тева-рак-атрофда бўлаётган воқеаларга муносабатлари қандайлигига ўта лоқайдлик, бефарқлик

Жиноят содир этган кимсалар ўз она Ватанларига четдан ёмон назарла қараётган бузуқ фикрли, жоҳил кучларнинг қўлида олдийгина қўғирчоқ эканликларини, муҳиш хатти-ҳаракатлари билан ўз тақдирига, келажигига, ота-онасининг шаънига қора чизик тортиб юборишларини ва энг асосийси Яратганининг олдида юзлари қора бўлиб қолишини наҳот англаб етмаганлар. Ҳар ким қилса ўзига, бироқ бегуноҳ тўқилган қонлар, шахид кетганларнинг руҳи уларни ҳеч қачон, ҳеч ерда тинч қўймайди.

Тиббиётда “тескари реакция” ибораси бор. Назаримда 16 февраль кунни содир этилган воқеалар халқимизга нисбатан тескари таъсир ўтказди. Атрофда бир назар солсак, юртдошларимиз ҳушёр, бир-бирларига янада меҳрибонроқ, озод Ватани, ватандошлари, истиқлол қадрига янада яхшироқ етадиган бўлиб қолишди. Жамиятимизда кечаётган оламшумул ислохотлар суръати эса тобора жадаллашиб бормоқда.

Назозат УСМОНОВА,
“Туркистон” муҳбири

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ БАҲОСИ

... Мени шу кунларда бир нарса кўп ўйлантирмоқда. Бу муҳиш воқеаларнинг илдизи қаерда? Бизга ҳам моддий, ҳам маънавий тарафдан жиддий зарар етказган, давлат бошлиғига суиқасд уюштирган, тинч аҳоли уй-жойларини вайрон этиб, бегуноҳ ҳамюртларимизнинг бевақт дунёдан кетишларига сабабчи бўлганлар ким аслида? Бу хунрезликлар ортида кимлар турибди?..

Албатта, бугун-эрта ушбу фожеа ижроқилари қўлга олинди, эл-юрт олдида башаралари фош этилиб, ўз жазоларини оладилар. Жиддий шикаст етказилган иморатлар ҳам албатта, яна таъмирланади... лекин бу асло ва асло яна лоқайдлик гирдобига чуқишимиз мумкин дегани эмас... Ҳа, биз лоқайд бўлдик. Ойнаи жаҳонда чет давлатларда ҳукуматга қарши, халққа қарши қилинган террористик ҳаракатларни кузатар эканмиз, “Ҳайриятки, бунақа воқеалар бизда бўлмайди...” деган ўй билан бамайлихотирликка берилдик. Ҳатто давлатимиз раҳбарининг “Огоҳ бўлайлик, огоҳ бўлайлик...” дея қайта-қайта таъкидлашлари ҳам, шундоққина қўшни мамлакатларда рўй бераётган низолар, турли кучларнинг ўзаро ҳокимият таллашиб курашиши, минглаб инсонларнинг ҳалокатга юз тутаетганлиги ҳам бизни айтарили безовта қилмади. Оқибатда эса...

Мен қўпоровчилик ҳаракатини амалга оширганларни ижроқилар деб атадим. Уларни бошқариб, катта-катта маблағ, ўқ-дори, қурол билан таъминлаб турган юртимиз-

нинг, халқимизнинг ҳақиқий душманлари, асл террорчи кучлар эса кўзимиздан анча узоқда, балки хориж давлатларида изғиб юришибди. Улар ўз қора ниятларини ўз қўллари билан эмас, балки шу юртининг ёш, ақли, тафаккури яхши шаклланмаган фарзандларининг қўли билан амалга оширишга ҳаракат қиладилар... Ушбу қабиҳ ишнинг келиб чиқишида сизу бизнинг, маҳалла-қўйнинг ҳам айбимиз катта... Наҳотки, ҳеч ким ҳеч нарсани сезмаган бўлса?! Ахир, улар ҳам кимнингдир ўғли, кимнингдир акаси ёки укаси бўлгандир... Бунчалик бефарқлик, турмуш ташвишларини баҳона қилиб, ўзимиз билан ўзимиз ўралашиб яшашимиз оқибатида келиб чиқмадими ушбу жиноят?!..

... Нафақат Тошкентда, балки чекка-чекка шаҳар, туманларимизда ҳам неча-неча ёшларимиз ота-она, маҳалла-қўй эътиборидан ташқарида яшайптилар... Улар билан ким шугулланади? Уларнинг тақдири, юриш-туриши билан ким қизиқади?... Турфа хил ноҳуш воқеаларнинг илдизини қирқишимиз учун биз энг аввало ўқиш ва ишлари билан бизни қувонтираётган, тенгдошларига намуна бўлаётган ёшларимизга эмас, балки мустақил ҳаётда ҳали ўз йўлини топиб ололмаган, дунёқарашни, фикр доираси тор ёшларга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим. Чунки улар четдан кириб келувчи ҳар хил бузуқ гоёларга, гаразли ниятларга тез алданадилар...

Хусан СУВОНОВ,
ТошДУ талабаси



"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 1999 йил 27 февраль № 19

Ушнинг бос, Махмурожа, - деди у. - Му шунга билмай қилиб қўйибман. Иккаламиз ҳам масъ жахши Ушнинг бос, Махмурожа, - деди у. - Му шунга билмай қилиб қўйибман. Иккаламиз ҳам масъ жахши

ДАРДИМ ИЧИМДА

Синфдошимиз Анварнинг тўйи муносабати билан мактабдош жўралар йиғилишиб қолдик. Суҳбатимиз ЗАГСга кимнинг машинасида боришу, тўй харажатлари ҳақида бўлди. Кейин эса уйланган йигитлар бўлажак кувга маслаҳатлар беришди. Тўғриси, "биринчи кеча"даги воқеаларни эшитиб ҳайрон қолдим. Уйланганимга бир йилдан ошган бўлсада, бу кеча

ҳақида ҳеч нарса билмасдим. Шунда ўз ишонган хотинимдан қаттиқ алданганимни тушуниб етдим. Уйга келиб у билан орани очиқ қилдим. Чунки энди яшолмайман. Айб ўзимда, дардим ичимда. Атрофимдагилар бир пастда ўзгариб қолганимга ҳайрон. Ҳамма ўзича ақл ўргатади. Нима қилай, содда-лигимдан уялиб бир тўшакда ётаверайми?! Ахир мен ҳам йигитман-ку.

САНЖАР

Гулнора билан касалхонада бирга ишлардим. У бизни тез-тез келиб турар эди. Уйимиздагилар шу ўртоғинг тузукка ўхшайди, деб келин қилиш пайига тушишди. Акам ҳам рози бўлди.

Тўйдан икки ой ўтгач Гулноранинг менга муносабати ўзгара бошлади. Уйимиз шароити билан таништирадиган бўлсак, онамни ҳам, мени ҳам жеркиб берадиган одат чиқарди. Ишхонамизга бориб бизни роса ёмонлабди. Онамга айтсам, "ўзинг топиб берган келин" деб бор айбни менга юкладилар.

ЯНГАМ ДУШМАНИМ



Янгамнинг бу қилиқларини акамга айтиб балога қолдим. Ўз туғишганим хотинининг гапига кириб мени бир шапалоқ урди. Уйланмасдан олдин жуда меҳрибон акамнинг менга нисбатан бундай ҳаракати юрак-юрагимдан ўтиб кетди. Акам билан гаплашмай қўйдим. Агар айб ўзимда бўлганда гап қилмасди. Янгажоним эса эрининг ўзи тарафида эканлигини кўриб мени ва ота-онамни умуман менсимай қўйди. Маҳалла-қўйда "битта келини ҳам кетиб қолибди" деган гап чиқишидан ор қилган ота-онам бир нарса дейишолмайди. Нега янгам учун акам яхши-ю, акамни туғиб, ўстириб катта қилган онам ёмон? Наҳотки акамнинг биздан кўнглини совутиб барака топан деб ўйласа. Майли, менга муносабатини кечира оламан, лекин онамга ачинаман. Ҳаммасини ташлаб қарларгадир кетиб қолгим келяпти.

"Чимилдик", ўз саҳифаларингда нонкўр келинлар ҳақида ёз. Бир хотини деб ўз синглисидан, жигарларидан кечиб кетаётган акалар, ўғиллар ҳақида ёз, илтимос. Улар ўзлари ҳақида ёзилганини ўқиб, ўзларини таниб, уялсинлар.

Исминини ва манзилини
тўлиқ ёзмадим.
Ноила, Бухоро вилояти

ЧИМИЛДИҚДА КУТАР ЁРИНГИЗ

Мана ўша кўнлар ҳам келди,
Аллоҳимга етиб зорингиз.
Чимилдиққа йўл олиш энди,
Чимилдиқда кўтар ёрингиз.

Энди тинмай келая кўнгуз,
Қўлайсиз, ҳа, қўлда торингиз.
Тўғи орлаб тўрган бир юлдуз,
Чимилдиқда кўтар ёрингиз.

Мана энди сирдошингиз шў,
Сир қолмасин дилда борингиз.
Сизнинг умр йўлдошингиз шў,
Чимилдиқда кўтар ёрингиз.

Илҳом НАБИ,
Асака

ҚАЙНОНАМ МЕНДАН ҚИЗГАНАДИ

Туйим бўласидан олдин орзуларим бир дунё эди. Мен қайнона, қайнота, эрим яқинларининг хизматини бажариб, дуоларини олиб юришни жуда-жуда орзу қилардим. Лекин ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Туйимиз ҳам ўтди. Келинлик вазифамни ўтай бошладим. Қайнсингилларимни ўз синглимдек яқин олишга ҳаракат қилдим. Қайнонам мен учун иккинчи онам бўлса дердим. Аммо қайнона - она бўлолмас экан. Туйимизга бир ой бўлар бўлмас, эрим битта-ю битта ўғил бўлгани учун онасини мендан қизгана бошлаганларини сеза бошладим. Қилган ҳар бир ишимдан айб топадиган одат чиқарди. Ичкарига кириб кетсак дарров қайнсин-

глимни кетимиздан киргизиб юборади. Ёки овозлари бори-ча бақириб ўғилларини чақиради. Ахир ўғлини бошқага раво кўрмас экан, нима қиларди уйлантириб. Бир умр бўйдоқ қилиб ўтказмайдим. Эрим ҳам икки ўтнинг орасида қолган. Йўқ, мен эрим фақат мени десин, онасини, сингилларини иккинчи даражада кўрсин демайман. Агар онасини бошида кўтариб юрса менинг ҳам ҳурматимни қилиб яшасин дейман-да. Нима қилсам кабобни ҳам, сихни ҳам қуйдирмай турмушимни изга тушириб оламан, менга маслаҳат беринглар.

НИГОРА,
Тошкент шаҳри

ЎТАЙ ЭМАС, ОНАМИЗ

Отамиз онамиз вафотларидан бир йил ўтгач бир аёлга уйланди.

У биринчи турмушидан фарзандсизлиги туфайли ажрашган аёл экан. Унинг бизга, бизнинг унга меҳримиз тушди. У кишини танишларимизга ўтай онамиз деб айтишга уялардик. Уйимизда, ўзгача байрам эди. Узоқ йиллик соғинч меҳримиз қайта жонланди. Бу туйғуни ифодалаб беришга мен ожизман. Афсуски, биз беш қизнинг қувончимизга яна кўз тегди. Хуллас, отамиз "Менга ўғил керак!" деб онамизнинг жавобини берди.

Яна биз етим қолдик. Ўша пайтдаги аҳволимизни, онамизларнинг аҳволларини бир кўз олдингизга келтиринг.

Йиллар ўтди. Онамиз бошқага турмушга чиқиб, йигирма йиллик орзу-армонлари рўёбга чиқибди; фарзандлик бўлганларини эшитдик. Шунчалик бизга меҳрлари тушганидан фарзандига катта онамизнинг исмини қўйибди.

Қайси бир йили бахтсиз ҳодиса туфайли ўртанча опам касалхонага тушди. Оёқлари ишламай қолди. Бир куни опам ҳамхоналарига "Онамиз ҳақида" гапириб берибди, шунда бир аёл яхшилаб кулоқ солса, у киши маҳалладош кўшнис бўлиб чиқибди.

-- У аёл сизни келиб кўришини истайсизми? -- деб сўрабди.

-- Албатта. Қанийди кўрсам, оғир дамда кўнглингга яқин одамнинг кўришини ким ҳохламайди, -- деб йиғлабди опам.

Мен ишдан борсам, онамнинг кўзлари қизарган, ҳамхоналарининг ҳам кўзларида нам... Кўрқиб кетдим. Нима бўлди, -- деб сўрадим. Шунда онамдан бизни кўргани онамиз келишларини эшитиб, йиғлаб юбордим.

Кеч бўляпти... Ҳаммамиз ҳаяжондамиз. Тиқ этса эшикка қараймиз. Бир пайт қўлларида пакет кўтарган, ёнларида уч ёшлардаги қизалоқ ва яна бир эркак киши кириб келишди... Хонани йиғи овози тутиб кетди...

Ҳол-аҳвол сўрашдик. Худди йўқотган қимматбаҳо нарсамизни топиб олгандек, қувончимизнинг чеки йўқ эди. Онамизнинг турмуш ўртоқлари ҳам биз билан фарзандлари билан кўришгандек очиқ чехра билан гаплашди. Шу билан бир ой давомида ҳар куни касал онамни йўқлаб касалхонага қатнадилар. Ҳозир қизларини ўзимнинг синглимдек яхши кўраман.

Балким бу ёзганларимга одамлар ишонмас. Менинг ўзим ҳам балким, бировдан эшитсам ишонмасдим. Лекин ҳаммаси ҳақиқат.

Муяссар ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳри

лар билан танишган ўқитириш, ҳатто қўнғи кўра қўн қанғон тирок, ба ширинроқ нозанинлар билан ҳақиқатан билиш ҳар гап эмас. Бирок, айнан

МЕН
ВАУ

-- Соат ака, "Келин-куёв"нинг пайдо бўлиши қандай бўлди?

-- Бу кўрсатувни тайёрлаш истаги менда анча йиллар олдин туғилганди.

бўлдим. Қизлар билан танишиб олдим. Шунда биттаси ўзимга жуда ёқиб қолди. Ўртоғимга чиқиб бошқалари билан гаплашавер, аммо биттаси менга тегишли дедим. Номини ҳам билмаимиз. Мен шунда ҳиндча кўшиқ айтиб ўртоғимга бўлажак қаллиғимни кўрсатганман. Ўшанда тез орада муносабатимиз яхшиланмаган бўлса-да, мана ҳозир жуда бахтлиман.

-- Кўрсатувингиз ишти-

ХОТИНИМНИ ХОРДАН ТОПТАНМАН

Матн асосан таъриф Соат МАРИНОВ билан сўралган

Касбим тақозоси билан кўп тўйларда бўлардим. Ҳамма келин-куёвни мақтарди-ю, аммо кейинроқ эшитсам ажрашиб кетишган бўлишарди, сабаби бир-бирини тушунмаслигидан. Ана шундан кейин бир кўрсатув қилсам у ёш келин-куёвларга бир маслаҳатнома бўлса дегандим. Аввалигаи "Ёш оила" деб номламоқчи бўлдим. Лекин кўпчиликка "Келин-куёв" маъқул келди.

-- Нима учун айнан ёш келин-куёвларни кўрсатувингизга таклиф этасиз?

-- Тўғриси бошида ўзим ҳам ували-жували бўлган оилаларни таклиф этмоқчи эдим. Нимагадир 7 йилгина янги оилаларни "Келин-куёв" деб аташади. Шу боис ёшларни кўрсатувда қатнашишига таклиф эдим. Яна бир томони бор 60-70га кирганларнинг биринчи танишуви ҳозирги замонамизга унчалик тўғри келмайди.

-- Шу кўрсатувда ўзингизнинг ҳам қатнашиш истагингиз борми? Ёки шундай таклифлар тушганми?

-- Ўн биринчи кўрсатувни кўрган бўлсангиз менинг номимга бир савол тушди. Ўзингизни биринчи танишувингиз қандай кечган, деган

Хоним билан гаплашиб кўрай, кейин бирор нарса дерман деб жавоб бердим. Кўнмадилар. Шу пайтгача ҳам хотиним бирорта ҳам кўрсатувимда томошабин сифатида қатнашмаган.

-- Ўзи танишувингиз қандай бўлган?

-- 1976 йилларида мен "Парвоз" дастасида ишлардим. Хорга педагогика институтидан бешта қиз келиб қўшилди. Ўртоғим "Соат, сен қизлар билан яхши гаплашасан, уларни биронтаси билан мени таништириб қўй", деди. Рози

рокчиларининг қайси бирининг танишуви сизни ҳаяжонга солган?

-- "Келин-куёв"нинг 7 март сонидagi иштирокчиларига чин дилдан ҳавасим келди.

-- Қатнашчиларингиздан неча фоизи севги сабаб оила қуришган?

-- 50 фоизи бўлса керак.

-- Ўзингиз муҳаббатга ишонасизми?

-- Ишонаман. У бор нарса. Фақат камчиликка насиб этади.

-- Ҳаётда қанақа қизларни кўпроқ севгансиз?

-- Ибболи, турли вазиятларда ўзини тута оладиган.

-- Биринчи муҳаббат билан бошқалари ўртасида ўхшашлик бўлиши мумкинми?

-- Менимча ҳақиқий муҳаббат битта бўлади. Шу муҳаббатга маълум сабабларга кўра етолмаганлар бошқага уйланиши, турмушга чиқиши мумкин. Лекин чин дилдан севишганлар орасида самимий муносабат ўзгармайди.

-- Неча ёшингизда севги мактуби ёзгансиз? Уни эслай оласизми?

-- Умуман ёзмаганман. Хат ёзсам сиқилиб кетаман. Энди ёшликда бирор қизга сўз орқали севги изҳор қилган бўлишим мумкин.

-- Кўрсатувингизга кўплаб севги тақдири қурбонлари ҳақида хайлар келиб туради? Уларга ачинасизми?

-- Ачинаман. Кўпчилик бериладиган саволлар ўша муштарийнинг бошидан ўтган савдолар. Улар биздан ёрдам, маслаҳат сўрайдилар.

-- Умуман икки ёшнинг севгиси ҳақида учинчи одамнинг билиши сизга маъқулми?

-- Севишганларнинг кимлигига боғлиқ. Баъзида ўртадаги муаммоларни учинчи одам ҳал қилиб бериши ҳам мумкин бўлади.



УЧ ОПА--СИНГИЛГА ОШИҚ АДИБ

Машҳур инглиз ёзувчиси "Оливер Твистнинг бошдан кечирганлари" асари муаллифи Чарльз Диккенс ҳаётида севишган аёллар жуда кўп бўлган.

Чарльзнинг Жорж Хогарднинг оиласига бўлган муносабати жуда чигалдир, ҳаттоки унинг ўзи ҳам Хогард қизларидан қайси бирини кўпроқ севишини аниқ айтолмаган.

...Ёш ёзувчи бу оила билан танишганда ҳали унчалик доврў қозонмаган эди. Оила бошлиғи Жоржнинг адабиётга иштиёқи баланд бўлиб, у "Ивнинг Кроникл" газетаси муҳаррири бўлиб ишларди. Унинг самимий муносабати туфайли Чарльз фақат муҳарририятгагина эмас, Хогарднинг Чилсидаги уйига ҳам тез-тез бориб турар эди. Аммо Чарльз Жоржнинг касалманд қизи Мэрини севиб қолади-да, опаси Кэтга уйланишга мажбур бўлади.

Хогардлардан Мэри узоқ яшамади. У 18 ёшида вафот этди, Чарльз эндигина жони узилган қайнсинглиси қўлидаги узукни ечиб, ўзининг бармоғига тақиб олади ва умрининг охиригача ечмайди. Шундай экан, адиб нега Кэтга уйландийкин? Бу ҳақда аниқ маълумотлар йўқ бўлсада, аммо ўша пайтда битилган хатлар бирмунча тасаввур беради.

Мэри опасининг тўйидан сўнг, уларнинг Роут Стритдаги янги уйларида кўчиб ўтишга ҳаракат қилгани, қиз хат ёзувчини ёқтирганлиги кўрсатиб турибди. Ўз навбатида унинг кўчиб келишини Чарльз жуда-жуда истаган.

Кэт эри билан шўрлик Мэри ўртасида муҳаббат ришталари борлигини билсада, негадир синглисининг кўчиб келишига қаршилик кўрсатмайди. Ёзувчи бу лобар қизга атаб жуда гўзал сатрлар битиб хотинига ўқиб беради, Кэт жаҳл ёки рашк қилмасди. Балки синглисининг оғир хасталигини эътиборга олгандир.

Ёш Мэрининг ўлими ёзувчи Чарльзга қаттиқ таъсир қилади. У бу оғир дардни ичида сақлаб қололмади. Адиб шундай ёзганди: "Мэри уйимизнинг гули эди. Биз у билан бахтли эдик. Ҳаётда бирорта тирик жонни бунчалик севамагандим. Дунёда энг азиз нарсани йўқотгандайман. Унга бўлган меҳримни сўз

билан таърифлашим қийин".

Кэт бу сўзларни ўқиган бўлиши табиий. Ўқимаган бўлганда ҳам у эрининг бармоғидаги узукни доимо кўриб турган-ку! Мэрининг қабр тоши устига битикни ҳам Чарльз ёзган.

Орадан бир неча йиллар ўтгандан сўнг Чарльз қайнонаси Мэрига бўлган муносабатини билдирган хатни бераётди: "Уни унуттишга ҳаракат қилдим. Лекин ҳеч унутолмадим," дейди. Кетма-кет фарзандлар дунёга кела бошлагач, Кэт болалар тарбиясида қолади. Энди уларнинг оиласида синглиси Жоржина пайдо бўлади. У турмушга чиқишдан воз кечиб, опасининг уйига кўчиб келади ва жиянлари тарбиясида унга ёрдамлашади.

Ёзувчининг рафиқаси билан оилавий муносабатини замондошлари ҳар хил изоҳлашади. Диккенснинг халқ ўртасида обрў-эътибори катта эди. Айтишларича, Чарльз билан учрашув уюштирилса залга одам сиғмасди. Америкада у иштирок этиши муқаррар бўлган кечаларга патта топиш учун ҳатто аёзда ҳам одамлар кассалар олдида тонг оттиришган.

Душманлари унга бўхтон қилиб, хотинига бевафо деган ёлгонни тарқатишди. Устига-устак ёзувчининг аёллардан таниши кўп бўлган ва улардан кўплаб мактублар олган. Кунлардан бирида ана шундай мактублардан бири Кэтнинг қўлига тушиб қолди. Шу сабаб адиб оиласи билан ажрашади. Болаларга қараш баҳонасида Жоржина собиқ поччаси билан қолади. Кэт синглиси билан Чарльз вафот этгунга қадар гаплашмайди. Чарльз кундалигининг сўнгги варақларига ўлишидан бир неча кун аввал қайнсинглиси Жоржина ҳақида: "Болалар уни -- холасини жуда севишарди. У мен учун ҳам бебаҳо эди," -- деб ёзади.

Жоржина ўз севгиси ва бутун ҳаётини Диккенслар оиласига бағишлаб, турмуш қурмади. Чарльз унинг қўлида вафот этди. У барча бойликларини Жоржинага қолдирди. Шундай қилиб ҳар учала Хогардлар ўз тақдирини Диккенс билан боғлашди. Чарльз Диккенс ҳаёти давомида уч опа-сингилдан қайси бирини кўпроқ севган?! Бу жумбоқ ҳалигача ечилмаган.

Иzzат АХМЕДОВ таржимаси



Маълумки, ҳар қандай дарахт-ни ниҳоллик давридан тўғри парваришлагани унинг келгусидаги яхши униб-ўсишига шароит яратди. Шундан келиб чиқиб аёлларимизнинг соғлиғини мустаҳкамлашни ёшликларида бошлаган маъқул.

левод моддалари мавжуд. Шунга айтиш керакки, республикаимиз шароитида етарли даражада оқсилга бой ўсимликлар кўп. Буларга дуккакли ўсимликлар нўхат, ловия, мош... Сабзавотлардан қизил ва шакар лаваги, турп, шолғом, сабзи, карам ва мевалардан ўрик, (пишгани, қуритилгани) ёнғоқ, майизга ўшшганлардир. Бу маҳсулотлардан тартиб билан меърида истеъмол қилинса камқонлиқнинг олдини олишга, танадаги темир моддаси захирасини тўлдиришга ва камқонлиқ ҳолат ҳамда яширин камқонлиқни даволашга эришиш мумкин. Ҳўш, камқонлиқ ҳолат ҳамда яширин камқонлиқ нима? Бундай ҳолатни қон таркибида гемоглобин миқдори

КАМҚОНЛИК: САБАБ, ОҚИБАТ, МУОЛАЖА

Ҳозирги даврда туғруқ ёшидаги аёлларимиз орасида кўп учрайдиган хасталик бу -- камқонлиқ. Унинг ўзи нима?

Камқонлиқ деб қон таркибидаги қизил қон таначалари эритроцитлар сонининг меъридан камайиб, ундаги гемоглобин миқдорининг озайиб кетишига айтади.

Камқонлиқ касаллиги бирданига кўп қон йўқотиш ёки оз-оздан кўп вақт даврида қон йўқотиш кузатилади. Бундан кўриниб турибдики, камқонлиқ хасталиги асосан аёлларда ёши улғайганда кузатилиши керак. Афсуски, бугун камқонлиқ балоғат ёшига етмаган қизларнинг ҳар ўтасидан бирида, учраши тиббий ходимларини ташвишлантириб қўйяпти. Ёш қизлар орасида ушбу касаллиқнинг кўпайиши сабабларидан бири унинг онаси шундай хасталикка чалинганлигидандир деб айтиш мумкин. Бунга қўйиладиган тушунмоқ керак: Агар она танасида камқонлиқ касаллиги мавжуд бўлса, бўлғуси фарзанд (хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин) организм учун зарур темир моддасини нафақат ҳомилалик, эмизикли даврида ҳам олиб улгурмайди. Бу ҳаёт учун зарурий модда камқонлиқ хасталиги ёки темир танқислиги асосида боланинг кейинги ҳаётида ҳам маълум сабабларга кўра етарли таъминланмайди.

Бу сабаблардан камқонлиқнинг сути таркибида ҳам темир моддасининг камлиги, кейинчалик бола овқати таркибида ҳам бу унсурнинг етишмаслиги, боланинг тез-тез ҳар хил касалликларга дучор бўлишига сабаб бўлади.

Камқон туғилган ва улғаяётган инсонни ҳаёт давомида фақат овқатлар ёрдамида даволашга эришиш анчагина муаммо.

Юртимизда темир моддасига бой маҳсулотлар ҳалдан ташқари кўп. Темир моддаси мавжуд бўлмаган бирор неъмат йўқ десак, адашмаймиз. Булардан мевасабзавотнинг деярли ҳаммаси, сутқатик, гўшт маҳсулотларини айтиш мумкин. Буларда у ёки бу миқдорда нафақат темир, балки танага зарур бўлган оқсил, ёғ, уг-

меърида бўлган аёлларда кузатиб, қон таркибидаги бошқа моддаларни биокимёвий текшириш асосида аниқланади. Камқонлиқнинг бу турини кўп ва тез-тез туққан, кўп ва узоқ миқдорда ҳайз қони кетадиган, сурункали буйрак шамоллаши, жигар шамоллаши, ошқозон-ичак касалликлари ва бошқа хасталикларга дучор бўлган камқонлиқ надан туғилган қизларда кўпроқ учрайди. Касалликни аниқлаш учун ҳар бир инсон дўхтирга ҳеч бўлмаганда йилига икки-уч марта мурожаат қилиб текширишдан ўтиб туриши лозим бўлади.

Агар ошкор камқонлиқ аниқланса, юқорида кўрсатилган овқатлар тананинг темир моддасига бўлган талабини қондира олмайди. Бунинг учун шифокор тавсияси билан темирли дорилардан бирини маълум давр орасида истеъмол қилиб, темир, оқсил ва дармондорига бой овқатлардан тановул қилишларини тавсия қиларди.

Энг асосийси, аёлларга гемоглобин миқдорининг пастлиги тушунтирилганда ўз тақдиримиз, келажақ авлод тақдирига бефарқ бўлмасдан, бепарволигимизга хос тарзда турли нарсани баҳона қилмасдан дарҳол керакли муолажаларни бошламоқ лозим. Ошқора камқонлиқ юзага келганда, мунгазам ва узоқ даволанишга тўғри келади. Бунга бардош, чидамлик, қатъийлик керак. Чунки соғ оналаргина соғлом авлод яратиб заминини юзага келтиришлари мумкин.

Жўрахон АЗИМОВА,
шифокор

ДАРДИНГИЗ ОҒИР ЭМАС

Муштариёлар саволларига
Абу Али ибн Сино табобати жавоб беради.

Б.Расулов: Жинсий алоқанинг инсонга қандай фойдаси бор? Бу иш билан кўп шугулланиш зарарми?

Ўз вақтида воқе бўлган ўрта ва мўътадил жинсий алоқа шундай бўладики, унинг кетидан чиқиндиларни бўшатиш, гавдани енгиллаштирувчи ва гавдани кейинги ўсишга тайёрлаш ҳосил бўлади. Гўё сўнгги озиқдан бир нарсани кучлаб бадандан олинган бўлиб, унинг ўрнини тўлдириш учун табиат кучли таъсир қиладиган ҳаракатда бўлади; шу вақтда бўладиган бўшалиш бунга ёрдам қилади. Гоҳо алоқадан кейин кишини енгган чарчоқ йўқолиб, тетиклик пайдо бўлади, қаттиқ аччиқланиш босилади ва киши тинчланади. Бу ўзини тетик қилиши ва мия ҳам юракда уруғ туфайли тўпланган дудни даф қилиши билан меланхолияга, савдойи касалликларнинг кўпига фойда қиладиди. Тўлиқликдан бўлган буйрак оғриқларига, ёлғиз касалликларнинг ҳаммасига, -- айниқса булар туғма ҳарорати уруғ чиқиши билан камаймайдиган кишиларда бўлса фойда қиладиди. Шунингдек, у овқатта иштаҳани очади; чов ва мойлар атрофида пайдо бўладиган шишларнинг моддасини кесади. Алоқани тарк қилган уруғ ва уруғ тўхталганида кўз олди қоронғилашиши, бош айланиши ва бош оғирлиги, буйракдан келувчи сийдик йўлларида ва белда оғриқ ва шишлар пайдо бўлган ҳар бир кишига мўътадил алоқа шифо беради.

ҳидлантиради. Баданида ёмон хилтлари бўлган кишиларда алоқадан кейин тук хурпайиб, эт увушиш пайдо бўлади, агар хилтлар сасиган бўлса, ундай кишилар алоқадан кейин сассиқ ҳидлар чиқариб туради.

З. Воҳидова. Ҳомиладан сақланишнинг қандай қадимий усуллари бор?

Табиб гоҳо туғиши хавфли бўлган ёш хотинлар, бачадонида бирор касаллик бўлган хотинлар ҳамда қовуғи кучсиз бўлган хотинларда ҳомилдорлиқнинг олдини олишга мажбур бўлади; қовуқ заиф бўлганда бола оғирлик қилиб, кўпинча уни ёриб юборади ва сийдикни тутолмаслик касаллиги юз беради, натижада хотин умрини охиригача сийдик тутолмайдиган бўлиб қолади. Ҳомилдор бўлмаслик тadbирларидан бири жинсий алоқа вақтида ҳомилдорликка олиб келадиган ҳолатда алоқа қилмасликдир, яъни эр ва хотин уруғини бир вақтда келтирмасликлари, (алоқадан кейин) тезлик билан ажралишлари керак. Хотинни эса жинсий алоқадан кейин бўшаб туришга ва орқага бир неча марта сакрашга буюрилади, шунда, кўпинча, уруғ чиқиб кетади. Юқорига ва олдинга сакраш, кўпинча, уруғни тўхтатади. Уруғни тойдиринишга гоҳо аксириш ҳам ёрдам беради.

Н. Равшанов: Ёшим ўттизда. Лекин иягимга ҳали устара тегмаган. Нега баъзи одамларда мўй чиқмайди?

Мўй ёғ моддалари сабабли ёки мўй ўсадиган нарсаларда сабаб билан бутунлай чиқмай қолади ёки кам чиқади. Моддадаги сабаб ё унинг камлиги ёки йўқлигидир. (Модданинг) камлигига сабаб шу бўладики, бирон нарса беркитиб қўяди ёки ўзгаради, ё асли жавҳар кам бўлади. Масалан, болалар ва хотинларда ҳўл буг кўплиги сабабли тутунсимон буг кам бўлади, натижада уларда соқол чиқмайди. Асли жавҳарнинг камлиги сабаб, ё бирор ҳодиса юз бериши, ёки табиат уни тугатиб қўйишидир. Бирон ҳодиса сабабли мўй камайиши касалликдан янги турган кишиларда юз беради; узоққа чўзилган касалликлар, сил ёки ингичка оғриқ касалликлари улардаги рутубатни сўриб қурилади. Натижада мўй озикланидиган модда қолмайди ва сувсаган ўсимлик суғорилмаганда бўладигандек мўй тушиб кетади.

Табиат жиҳатдан мўй кам бўлишига тепа сочининг тўкилиши мисол бўлади. Чунки бош тепа-сида мўй моддаси етишмаслиги сабабли тепа сочи тўкилади. Бунга модданинг камлиги ёки миянинг бош қосасига тегмай пастга чўкиши сабаб бўлади. Шунда мия бош қосасига тегиб бош суягини етарлича суғора олмайди. Мўй ўсадиган жойдаги сабабга келганда бу уч турли бўлади: ёки у жойга мўй моддаси ўтмайди, ёки ўтади, лекин тўхталиб турмайди; ёки бу жойда модда бузилиб мўйга айланмайдиган кайфиятга ўтиб кетади. У жойга модда ўтмаслигининг сабаби тери тешиклари берклигидир, бунга эса қуруқлик туфайли бўлган кучли зичлашув сабаб бўлади, бу тепа сочининг тўкилишига ёрдам беради. Иссиқ мижозли кишида қуриш тезлашгани сабабли тепа сочи тез тўкилади. Қобилиятли кишиларда мижоз иссиқлиги сабабли бадан ва кўкрак мўйи кўп бўлади. Улардаги мўйнинг кам қисми юлиниши қийин бўлади. Ёки олдин бўлиб ўтган яраларнинг изи сабаб кишида ҳам шундай ҳолат кўринади.

Тери тешикларида модда тўхтамаслигининг сабаби терини жуда сийрак экани ва тешикларининг кенглигидир. Бу соқол чиқмасликка ёрдам берадиган ҳоллардан биридир, бундай кишиларда мўйнинг қолган қисми сийрак бўлиб, юлиниши осон бўлади. Умр охирида мижоз қуруқлашадиган пайти келиб тери тешиклари торайгач, ҳарорат камлиги сабабли мижоз ҳўл бўлса ҳам ҳалиги торайиш тепа сочининг тўкилмаслигига таъсир кўрсатади; масалан хотинларда ва бичилган кишиларда шундай бўлади.

Қош ва киприклар ўсадиган жой тоғайсимон ҳамда пишиқ ва мўйни сақловчи бўлган сабабли у мўйлар тез тўкилмайди. Шунинг учун ҳам ҳабаш ва занжиларда тери мўйларни кашловчан бўлганидан уларнинг тепа сочлари кейинроқ тўкилади, чунки пишиқ нарса тешилмайди, шу сабабли унда мўй кам бўлади, лекин бор мўй сақланади ва тез тўкилиб кетмайди. Тили чучук кишиларнинг миясида рутубат кўплигидан тепа сочлари тўкилмайди.

"Тиб қонунлари" асосида тайёрланди.



Мижозий жинсий алоқани талаб қиладиган кишиларнинг кўпчилиги уни тарк қилганида бадани совуб, аҳволи ёмонлашади ва овқатта иштаҳаси йўқолади, ҳаттоки, овқатни қабул қилмасликдан қусиб ташлайдилар. Баданида тутун буги бўлган кишини алоқа енгиллаштириб, унга фойда қиладиди ва унинг учун кўрқинчли бўлган тутунли буги тикилиши натижасида юз берган зарарларни йўқотади. Гоҳо эркаларда алоқани тарк қилиш натижасида уруғ тўпланиб ва совуб захарликка

айланади ва уруғ юрак ва мияга захарлик ёмон буг юборади. Захарлилик кучаймасдан олдин у келтирган зарарли ҳолларни энг кичиги, баданнинг оғирлиги, совуши ва ҳаракатнинг қийинлашуви-дан иборат.

Жинсий алоқа болдирларда сустлик ва оғриқ пайдо қиладиди, ҳатто киши гавдасини ўзи кўтариб туролмайдиган ҳолга келади; баъзан унинг ҳоли яшириш тутқаноққа ўхшайди, кўпинча бундай кишида савдо, сўнгра сафро ғолиб бўлади; унда кучсизликдан бош айланиш пайдо бўлиб, аъзоларида бошидан орқа умуртқасининг охиригача чумоли юргандек жимирлаш пайдо бўлади; унинг қулоғи ҳам шанғиллайди.

Кўпинча, ортиқча жинсий алоқадан куйдирувчи ўткир иситмалар пайдо бўлиб, шу иситма билан кишилар ҳалок ҳам бўладилар. Баъзан бунинг натижасида қаттиқроқлик, асаб кучсизлиги, уйқусизлик ва ўлиш олдида бўладигандек кўз гўлақларининг олдинга чиқиши содир бўлади. Уларда соч тўкилиши, жинсий кучсизлик, орқа, буйрак, қовуқ оғриқлари ва ич юрмай қолиши каби ҳоллар юз беради. Кўп алоқа баъзан қуланж пайдо қилиб, вужудларни бадбўй қиладиди, оғиз ва милкларни



ЎЗИМНИ АЛДАЯПМАН

Мен бу аёлни тасодифан учратиб қолдим. Умиданинг тақдирига ачинишингизни ҳам, унга тошбағрларча муносабатда бўлишингизни ҳам истамайман.

-- Мен саккиз йилдан бери ўзимни-ўзим алдаб яшайман. Турмуш курганимизга 8 йил бўлдики, тирноққа зорман. Эрим топармон-тутармон. У мени жуда севади. Севмаганда оиласини ташлаб мен билан яшамаган бўларди.

Айни гулдек 19 ёшимда ўзим севган йигитга турмушга чиқдим. Биз бахтиёр эдик. Эрим уч ойдан сўнг автомо-

биль ҳалокати билан вафот қилди. Уни 2 йилгача унута олмадим. Ҳаёт мени ҳозирги умр йўлдошим Сулаймон ака билан учраштирди. Меҳримни ўғирлаган бу инсон, ўзимга жуда-жуда ёқарди. Оиласи, болалари борлигини эшитиб ҳам ундан кеча олмадим. Биз турмуш қуриб, алоҳида яшай бошладик.

-- Кундошингизни танийсизми?

-- Ҳа, у бир неча мартаба олдимга келиб, жанжал қилиб кетган. Ўзи ўқитувчи. Мендан афзаллиги эримга бир ўғил бир қиз туғиб берган. Сулаймон акамнинг айтишича, "хотинидан чимилдикдаёқ кўнгли қолган".

Эримни мажбурлаб фарзандларини кўриб келинг, деб жўнатаман. Уларига бориб келгач, нима учун ўшалар сенинг болаларинг эмас-а, деб афсус қиладилар.

-- Эрингизни нима учун кун-

дошингиздан кўнгли қолган?

-- Билмадим, балки севиб уйланмагандир.

-- Наҳот шу пайтгача дардингиз давосини топмадингиз?

-- Кўрсатмаган дўхтир ва табибим қолмади. Эрим пулни аямайди. Аммо юрагимга бир ачиқ наштар санчилиб қолган. Биз турмуш курганимизда эримнинг кекса онаси: "Фарзанд қадрини билмаган бола, илоийм тирноққа зор бўлгин", дея қаргаган.

Дастлаб унга эътибор қилмагандим. Аммо фарзандсизлик азобини тортиб, бу сўзлар маъносига етдим. Ҳозир ҳаётим кўзимга қоронғу. Баъзида уйга сизмай одамлар кам жойга чиқиб кетаман. Ўйлаб ўйимга етолмайман. Эрим билан ажрашиб кетишни эса тасаввур қилолмайман. Ахир гуноҳим не?

Гўзал БАХТИЁР қизи

РАШКЧИ УЗОҚ ЯШОЛМАЙДИ

Инсон организми қанча умр кўришга мўлжалланганини биласизми? Машҳур рус олими И.И.Мечников юз эллик ёшга кирмасдан ўлишни ажали етмасдан, яъни "зўрликдан" ўлиш деб ҳисоблар эди. Бошқа атоқли тадқиқотчилар ҳам инсон ўрта ҳисобда 160 йил умр кўриши керак, деган фикрни билдиради.

Умрни узайтиришнинг энг осон йўли касалликлар устидан ва биринчи галда юрак қон-томир ҳасталиклари ҳамда хавфли ўсмалар устидан ғалаба қозонишдир. Рак билан оғриган беморларнинг энг кўпи Нью-Йоркда бўлса, энг ками Шри Ланка оролида яшайди. Баъзи мутахассислар бунини Нью-Йоркда асфальт кўплиги, Шри Ланка аҳолисининг деярли гўшт емаслиги билан тушунтирадилар.

Одамлар ҳар турли усуллардан фойдаланиб, узоқ умр кўриш муаммосини ҳал қилишга уринган. Фиръавнларнинг кўп яшашига уларни терлатадиган, қустирадиган ҳар хил дориларни, шунингдек ични суриб организмдан заҳарларни чиқариб ташлайдиган воситаларни ичиб юрганига боғлиқ деб ҳисоблашади.

Гиппократ билан Аристотель бардам бўлиш ва узоқ умр кўришнинг асосий шартин иссиқлик ва сувдан фойдаланишдир деб таъкидлаганди. Нероннинг хотини Поппел иссиққина эшак сутини солинган ваннага тушар экан (бунинг учун соғиладиган 500 та махсус эшак боқилган). Қадим-

ги рус бойларининг хотинлари эфир мойларидан ванна қилишни маъқул кўришган...

Эрондаги Келюса қишлоғилик Саид Али, 195 ёшга кирганида кўзойнаксиз ишлай олган. Унинг замондоши, боливиялик аёл 203 ёшида ҳам меҳнатга лаёқатли бўлган. Кишини ҳайратга соладиган бошқа мисоллар ҳам кўп. Пьер Деруфнел деган француз 120 ёшида учинчи марта уйланган. Унинг XVII-XVIII-XIX асрларда туғилган ўғиллари бўлган. Венгриядаги Страдова қишлоғида яшаган эр-хотин Жон ва Сарра Ровеллар 1925 йили вафот этишганда эри 172, хотини 164, уларнинг ўғли эса 116 ёшда бўлган. 95 ёшли Фотима Эдигар исмли турк аёли 1964 йили 127 ёшли эридан эгиз туққан. Гёте 74 ёшида 19 яшар Ульрикага уйланмоқчи бўлган.

Одамнинг ҳақиқий ёшини паспорти эмас, балки қон томирларининг аҳоли белгилайди.

Ҳўш, замондошларимизнинг кам умр кўришларининг асосий сабаби нимада? Олимлар фикрича инсонларнинг кам яшашининг асосий сабаблари юрак қон томир касалликлари, кашандалик, ичкиликбозлик ва ўта асабий ҳолатлар: қаттиқ ранжиш, ҳасад, ваҳимага тушиш, рашк қилиш. Агар сиз ана шу "хислат" лардан холи бўлсангиз, узоқ умр кўришингиз мумкин.

КОМИЛ тайёрлади

Ўзбекларда бирон хонадонга совчи бўлиб бориш учун тугун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир ишни дақиқаю баҳасигача ўз вақтида ҳал этишга ўч бўлган немисларда-чи?

Агар немис хонадонига совчиликка борган эркакка "қуда" томон бўш саватча бериб юборса, демак "куёв"нинг шўри қуриди деяверинг. Чунки бўш саватча "йўқ" деган жавобнинг белгиси. Бордию, жавоб бошқача тарзда кечса, куёв томон совчилик маросимининг кейинги босқичига ўтади. Яна шуниси муҳимки, совчилик бошлангач, икки томон ўртасида, албатта, иқтисодий мавзуда суҳбат бўлади. Бунда бўлажак келиннинг сепи ва куёвнинг тўйга қўшадиган молиявий ва моддий ҳиссаси келишиб олинади. Бироқ совчиликнинг бу тури чекка ҳудудларда ва айрим қишлоқлардагина сақланиб қолган. Чунки қайлиқ танлаш муаммосини ёшларнинг

НЕМИСЛАР ҚАНДАЙ

Ўзи ҳал эта-
фақат одоб
УЙЛАНАДИ?
ётир. Улар
юзасидан
никоҳларини
маъқуллаш
мақсадида ота-
рожаат қилиша-
немис йигит-
олдин бир-бир-
оналари билан
ва никоҳдан ол-
тирилади. Унаш-
ота-оналар ва
гувоҳлар ишти-
рокида куёвнинг уйида бўлиб ўтади. Шу кун қиз ва йигит бир-
бирининг бармоғига никоҳ узугини тақишади ва биринчи марта
расмий равишда ўпишишади. Бу тантана вино ичиш билан тугай-
ди. Унаштириш кечаси тор оила даврасида нишонланади. Агар
улар ресторанда ўтирган бўлса ҳам, эски одат бўйича томонлар
келишувига биноан куёвнинг ота-онаси ҳаражатларни ўз бўйига
олади. Куёв никоҳ узуклари сотиб олади. Меҳмонлар келин-куёвга
совғалар тақдим этади. Унашганлар ўртадан жой олишади, куёв-
нинг ўнг томонидан ўзининг, чап томонидан эса келиннинг ота-
онаси ўтиради. Эртаси кун эса унаштирилганлар бир-бирлари-
нинг яқин қариндошлариникига бориб, улар билан танишишади ва
совғалар қабул қилишади. Шундан сўнг келин-куёвлар расмий
никоҳдан ўтмасдан аввал, бироз вақт бирга турмуш кечиради. Улар
шу вақт давомида бир-бирларини ўрганади, тўйга тайёргарлик
кўради. Кейинги яшаш жойлари учун пул тўплашади. Бўлажак келин
шу вақт мобайнида тикиш-бичиш, пазандалик ва эмизикли бола
тарбияси курсларида қатнашди. Тўйдан кейин куёвнинг уйида қизлар
базми бўлади. Унда қизни янги ҳаёт оstonасига қадам қўйиши ва
никоҳдан олдинги "озодлиги" билан хайрлашиши билан қутлаша-
ди.

Никоҳдан ўтиш маросими келин оқ ҳарир либос, никоҳ тожи ва
қисқа тўр(фата) ва куёв тақдим этган гулдаста билан, куёв эса замона-
вий костюм-шимда чиқади.

Никоҳдан ўтиш маросими тантанали равишда ўтказилади. Шу кун
янги эр-хотинлар ўз ихтиёрига кўра ё куёв, ё келиннинг фамилиясига
ўтишади. Ушбу маросимдан сўнг келин-куёв йигит ё қизнинг уйида
йиғилишади. Унга ота-оналар, яқин дўст-биродарлар ва қўни-қўшни-
лар таклиф этилади. Тўй одатда биронта ресторанда ўтказилади. Энг
муҳтарам меҳмон зиёфатда нутқ сўзлаб, тўйни очади. Биринчи рақсни
эса келин-куёв бошлаб беради. Куёв қайнонаси, ўз онаси ва кейинги
аёл қариндоши билан рақсга тушади. Келин билан рақсга тушиш ҳар
бир иштирокчи эркак учун шарафдир. Зиёфат кўпинча бир неча соат
давом этади. Германиялик ёш келин-куёвлар ҳам тўйдан кейинги ўттиз
кунлик асал ойини бошқа Европа мамлакатларидагидек, чет давлатлар-
да ўтказишади.

Немис тилидан
Руслан РЎЗМЕТОВ
таржимаси

ЗУЛУК

тўхтамаса касаллик борли-
гидан далолат беради. Зу-
лук эса томирга ёпиштирил-
гач ярим соат қон сўриши
лозим бўлади. Чунки бу
вақт ичида бир марталик
озуқасини истеъмол қилиб
олади. Зулук инсон қонини
энг яхши билувчи белги
сифатида қабул қилинган.
Нима бўлганда ҳам шифо-
кор каби зулук илмли ва
кимёгарлик маҳоратига эга.
Унинг вужудида секреция
безлари такомиллашган.
Ўзида кичик лабораторияни
муҳассамлаштирган зулук
қон сўраётган жойига вужу-
дидан спиртли модда
чиқазади ва ортиқча қон
оқшининг олдини олади.

ҚЎЙДИРГАНМИСИЗ?

20-30 дақиқадан кейин
тўйинган зулук эмишдан
тўхтади ва секин-аста
сўрилган қонни ҳазм қила-
ди, бу билан улар ҳаётла-
рини олти ойга узайтиради-
лар. Тиббий зулук ўзи яшай-
диган сувли жойлардан ин-
сон қонига ўхшаш егуликни
осонликча топа олмайди.
Зулук бир марталик озугини
сўриб олгач, ўз шаклидан ўн
баробар катталашиб хусу-
сиятига эгадир.

Сўнгги тадқиқотлар шуни
кўрсатадики, инсон танаси-
дан узилган қисмларни ти-
кишда ҳам уларнинг фойда-
ли томонлари бор экан.
Тиббий жиҳатдан ёндошсак,
ҳақиқатан ҳам қон олдириш

инсон учун фойдалими? Қон
сўрдиргач, кераксиз қуюқ
қони бўлган касалларнинг
мияларидан ўтадиган қон-
нинг айланиши тезлашади.
Бу кашфиёт Лондон миллий
шифохонасида ўтказилган
текширувларда аниқланди.

Қоннинг сўриб ташлани-
ши ундаги эритроцит
суюқлигини камайтиради.
Бу жараён оқибатида
юрак мияга дам беради.
Қон сўрилгач, қондаги
кислород ташувчи модда
бўлган гемоглобин
микдори ҳам пасаяди.

Муножот
УМРЗОҚОВА
тайёрлади

"ЧИМИЛДИҚ," "ТУРКИСТОН"
ГАЗЕТАСИНING
ИЛОВАСИ

УЛОВА УЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, БЕКТЕМИР,
ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

КҲРОЛМАҒАН ЗОТ

Бировга қасд қилиб, бўлибдими шод,
Аллоҳнинг қаҳрига маҳкум умрбод,
Нақадар ҳасадгуй нақадар бедод,
Ўзбекининг бахтини кўролмаган зот.

Ким шунча бенаво, бу кимнинг иши,
Эл тинчини бузиш наҳот ташвиши,
Кимдир ул дунёда энг тубан киши,
Ўзбекининг бахтини кўролмаган зот.

Қалбида ёвузлик ҳисси яшарми,
На юртнинг нафига ўзи ярарми,
Халқнинг отасига пичоқ қайрарми,
Ўзбекининг бахтини кўролмаган зот.

Одам қиёфасин олган Азозил,
Эзгуликка қарши ҳаммиша нозил,
Азалдан қилмиши дўзахга мойил,
Ўзбекининг бахтини кўролмаган зот.

Инсоний туйғулар сеҳридан йироқ,
Бундайин кимсадан ҳайвон яхшироқ,
Ўз ўрнин билмаган разил ва гумроҳ,
Ўзбекининг бахтини кўролмаган зот.

Энди адашмаймиз, йўлимиз равон,
Дейдилар ит хурақ, ўтади қарвон,
Хурса-ку, хўп, қопмоқ бўлгани ёмон,
Ўзбекининг бахтини кўролмаган зот.

Бардам бўлинг, ота, бардам бўл иним,
Қўрқоқлар бу юртда топмасин қўним,
Бўлолмас элимга ҳеч қачон ғаним,
Ўзбекининг бахтини кўролмаган зот.

Гулчеҳра ЗОКИРОВА,
Наманган педагогика
билим юрти талабаси

МИЛЛАТ ДАРДИГА ДАРМОНМИЗ

16 февраль воқеалари бутун мамлакатимиз аҳли сингари ёшларимизнинг ҳам нафратига сазовор бўлди. тарих яна бир бор яхшилик кун келиб яхшилик қайтишини исботлади. Президентимизнинг оталарча ғамхўрликларидан миннатдор ёшлар йўлбошчимизга уюштирган суиқасддан ларзага келишди. Суҳбатдошларимиз Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ҳам.

Зафар ВОХИДОВ:

— Мустақил Ўзбекистон — ёш республика. Лекин унинг кўп асрлик тарихида бахтли дамлар ҳам, суронли уруш йиллари ҳам бўлган. Заминимиз учун аждодларимизнинг қони тўкилган. Улар Ватан, унинг истиқлоли йўлида курашганлар. Мусаффо осмон, серкўёш, осуда ва тинч ҳаёт учун қон тўкканлар. Бу юксак тушунчалар отабобларимиздан бизга ҳам мерос бўлиб қолган. Бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллик йўлидан дадил одим ташламоқда. Ҳам сиёсий ҳам иқтисодий жиҳатдан тараққиётга юз тутмоқда. Ана шундай кунларимизни кўролмаётган қандайдир қора кучлар бизнинг осойишта ҳаётимизга раҳна солмоқчи, халқимиз ўртасида таҳлика уйғотмоқчи бўлди. Лекин улар ўз ниятларига эришолмадилар, эришолмайдилар ҳам. Чунки биз энди ўзимизни ва кимлигимизни чуқур англаб олдик.

Жўрабек РЎЗИЕВ:

— Мен Самарқандда туғилганман. Бутун болалигим шу шаҳарда — буюк меъморий ёдгорликлар пойида кечган. Отам Темур давлатининг шуҳрати ва куч-қудрати ҳақида тез-тез гапириб берардилар. Ўлкамиз тарихини, Ватанни севишни шу ҳикоялар таъсирида ўрганганман ва мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳақида орзу қилганман.

Ватанимиз мустақилликка эришганда мен ўн ёшда

эдим. Бу йил ёшим ўн саккизга тўлди. Шу вақт давомида юртимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётининг қай йўсинда ривожланганини ўз кўзим билан кўрдим, буюк ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим.

Мен Президентимиз сиёсатига, Ватанимиз истиқболига ишонаман. Ҳеч қандай куч бу ишонччи йўқотолмайди.

Улуғбек АЛЛАБЕРДИЕВ:

— Мана саккиз йилдирки, “Мустақиллик”, “Озодлик”, “Демократия” сўзлари бизга таниш. Лекин биз бу тушунчаларнинг асл моҳиятини англаб етдикми? Аммо орамиздан, миллатдошларимиздан нонкўрлар ҳам топилдику. Албатта талофат кўрган биноларни тузатишади, жароҳатланганларни даволашади. Лекин қурбон бўлган оталаримизни, акаларимизни, опаларимизни ҳеч ким қайтариб беролмайди.

Бизнинг осойишта ҳаётимизни бузишга халқимиз ўртасида таҳлика солишга ва ёшларимиз қалбини ўғирлашга умид қилганлар адашади. Ишончим комилки, улар ўз жазосини топади.

Жафар ХАЛИМОВ:

— Юзага келган вазиятга тўлиқ баҳо бериш учун мен журналист ҳам, таҳлилчи ҳам эмасман. Лекин мени — Ўзбекистоннинг ёш фуқароси айтаётган гапларни эшитишларини истардим. Кўп ҳолларда биз мустақиллигимиз туфайли қувониш, унинг учун

курашиш ўрнига атрофимизда бўлаётган воқеаларга лоқайд бўлиб қолган эдик. Биз бугунги кунда мамлакатимиз чегаралари яқинидаги қирғин-барот урушлар кетган давлатларнинг одамлари юзида қотган даҳшат ва мунгли тўлиқ англаб етишимиз керак. Бизнинг олдимизга гўё Куръонни тарғиб қилиш мақсадида келаётган “маънавият ҳомийлари” аслида қурол ишлатишга кўпроқ уста бўлишлари мумкинлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак.

Бизнинг меҳмондўстлигимиздан фойдаланиб, уруш оловини ёқмоқчи бўлганлар, ўзбеклар Мангуберди, Амир Темур авлодидан эканлигини унуттишмасин.

Шаҳноза ТУРДИЕВА:

— Дунёда ҳамма тинч ва озод яшашни истайди. Халқимиз ҳам шундай эзгу ниятлар билан яшайди. Мамлакатимиз кундан-кунга раванак топиб, бойий бошлади, одамлар ўз тарихини чуқурроқ билиб хатолардан сабоқ чиқаришни ўргандилар. Президентимиз бутун халқимизни, хусусан ёшларимизни аждодларимиз орзу қилган буюк мақсадлар ва ютуқларга илҳомлантирди. Бизнинг мақсадимиз хур ва тинч яшаш. Бу мақсадга эришишда халқимизнинг бирлиги, унинг бир-бирига муҳаббати асосий омил бўлади. Айнан шу мақсадлар ва фазилатлар бизни Президентимиз билан ҳамфикр бўлишга чорлайди. Ҳеч қандай куч халқимизни пароканда қила олмайди.

“Туркистон” муҳбири
Жамолiddин ТЎХТАШЕВ
ёзиб олди

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган фожеали воқеалар шу юрт фарзандлари сифатида бизни ҳам ларзага солди. Президентимиз томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига раҳна солиш, халқимиз ўртасида таҳлика уйғотиш, давлат раҳбари ҳаётига тажовуз қилиш йўли билан мамлакатда парокандаликни юзага келтириш мақсадида амалга оширилган бу жирканч ишлар бир тўда экстремистик кучларнинг алдовига учган ва уларнинг бевоқифа ҳомийлигию раҳнамолигида ҳаракат қилаётган манкуртларнинг иши деб биламиз. Биз бугун Ўзбекистонни, ўзбек халқини ҳар хил кўринишдаги кўпуровчилик ҳаракатлари билан чўчитиш, уни ўзи танлаган йўлдан қайтариш мумкин эмаслигига ишонамиз. Мамлакатимиз халқи демократик сайловлар натижасида

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

давлатни бошқараётган Президенти атрофида янада жипслашиб бундай жиноий ҳаракатларга зарба беришга қодир. Биз бугун саксонинчи йиллар ёшлари эмасмиз. Мустақиллик шароитида яшаб, ишлаб маънавиятимиз, тафаккуримиз ўси, шаклланди. Оқу қорани яхшигина ажрата оладиган бўлиб қолдик. Энди бизни бунёдкорлик йўлидан қайтара оладиган куч йўқ.

Маълумки, ҳеч бир давлатда мустақиллиги осойишталик осонликча қўлга киритилмайди. Ўз истиқлолимизни тобора мустаҳкамлар эканмиз, ҳаёт биздан ҳар қадамда ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишни талаб этади. Шундай яшайликки, хайрли ва эзгу ишларимиз билан аждодларимиз руҳини шод этиш ҳар кунлик одатий турмуш тарзимизга айлانسин. Ягона миллат бўлиб, халқ бўлиб гоёмиз ғалабаси учун курашайлик. Токи Ўзбекистон ёшлари ўз Президентининг ишончини оқлашга, Ватан равақига, мамлакат келажаги учун бутун ёшлик шижоатини бахшида этишга тайёр эканликлари ҳамма ишонч ҳосил қилсин.

Р. ҲАСАНОВ,
“Қамолот” жамғармаси
Касби туман бўлими раиси

ТЕРРОРИЗМ

16 февраль кuni содир этилган жиноят ҳукукда терроризм деб номланади.

Бу жиноят асосан халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, уруш чиқариш, вазиятни кескинлаштириш, давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг сиёсий ва бошқа ижтимоий фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида содир этилади. (Терроризм латинча “terror” сўзидан олинган бўлиб, “қўрқув, даҳшат” маъноларини англатади). Бу жиноят илк бора Француз инқилоби (1789-1799 йиллар) даврида қўлланди. Ўшанда ҳокимият теппасига келган инқилобчилар муҳолиф томонга қарши бузғунчилик сиёсатини қўллашади, уларни қўрқув ва даҳшатга соладиган ҳаракатлар қилишади. Уларнинг ҳуқумронлик қилган даври “Террор ҳокимияти” деган ном билан танилди.

XX асрда портловчи радиактив моддалар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши терроризм жиноятининг ижтимоий хавфсизлигини янада ошириб юборди. Бу жиноят ҳокимиятни сақлаб қолиш, душманларни қўрқитиш ва бошқа сиёсий мақсадларни амалга оширишда қўллана бошланди. 1930 йилларда Адольф Гитлер, Бенито Муссолини, Иосиф Сталин каби давлат раҳбарлари ҳам муҳолифлар билан курашда, сиёсий режаларни амалга оширишда терроризмдан фойдаланган. Терроризмнинг янги тўлқини 1960 йилларда бошланган. Бу ерда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга ихтисослашган ёки ўз мақсадларига етишиш учун бу жиноят туридан кенг фойдаланадиган гуруҳлар, бригадалар ташкил топди.

Ҳозирги кунда Халқаро Ҳамжамият бу жиноят турига қарши кескин кураш олиб бормоқда. БМТ да халқаро терроризм бўйича Махсус Қўмита ишлаб турибди. 1937 йилда терроризм олдини олиш ва уни жазолаш тўғрисида битим қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳам бу жиноятни кескин қоралайди. Жиноят Кодексининг 155-моддаси “Терроризм” деб номланиб, унда шундай дейилган: Халқаро муносабатларни қийинлаштириш, уруш чиқариш учун ифво қилиш ёки

Ўзбекистон Республикасидаги вазиятни беқарорлаштириш мақсадида Давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсларни бирон ҳаракат содир этишга, мажбур қилишга қаратилган ҳаракатлар, ўлдирish ёки зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ёки қўлда тутиб туриш, шахсни гаров сифатида ушлаб туриш билан қўрқитиб халқаро ҳимоя остида бўлган чет эл давлатлари ваколатхоналарининг ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига, уларга қарашли, улар ижарага олган уй-жой биноларига ҳужум қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилсан, — мол-мулки мусодара қилиниб, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш, ёхуд сиёсий ёки ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолиятига муносабатини билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказганлиги учун мол-мулки мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар: а) одам ўлишига; б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, — мол-мулки мусодара қилиниб, ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиниб, ўлим жазоси билан жазоланади.

Жиноят қонунчилигида мувофиқ бундай жиноятга тайёргарлик қўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ҳақида била туриб, ҳокимият органларига хабар бермаслик, шунингдек жиноятчи, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Худойёр МЕЛИЕВ,
талаба

БОКСЧИЛАР ЮТУҚЛАРИНИ НАВРЎЗГА БАҒИШЛАЙДИЛАР

Венгриядаги Дебрецен шаҳрида бокс бўйича халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда МДХ мамлакатларидан ягона вакил сифатида Ўзбекистоннинг боксчилар командаси биринчи бор иштирок этди. Мусобақада Кипр, Мадагаскар, Словакия, Чехия ва Хорватиядан келган 75 нафар энг кучли спортчилар қатнашдилар. Венгриянинг ўзидан икки команда иштирок этди.

Ушбу мусобақада спортчиларимиз ажойиб ютуққа эришдилар, Тулешбой Дониёров, Рафқат Эралиев ва Лазизбек Зокиров олтин медаллар, Шерзод Хусанов эса кумуш медаль совриндори бўлди.

Мамлакатимиз спортчилари ўз ютуқларини яқинлашадиган Наврўз байрамига бағишлайдилар.

ЎЗА

“СИТРОЕН” - “КСАРА КУПИ VTS”

“Ситроен-Саксо”нинг энг сўнгги муваффақиятли намоиш қилингандан кейин, “Фольксваген-Гольф GTI-1,8”нинг асосий рақобатчиси бўлган “Ксара - VTS” ҳам пайдо бўлди. Нарҳи рақобатчисиники билан деярли бир хил бўлган “Ксара - VTS” харидорларни анча кучли двигатели ва бой стандарт бутланиши билан ўзига торта олади.



Автомобиль “Пежо - 306 GTI-6”ники билан бир хил бўлган 170 от кучига эга бензинли, 2 литр ҳажмли, бир қаторли тўрт цилиндрли мотор билан таъминланган. Бунинг ажабланирли жойи йўқ - ахир иккала компания “Пежо-Ситроен” концернига қаради. Аммо “Ситроен” конструкторлари “Пежо”даги ҳамкасбларидан фарқли беш босқич узатмалар қутиси ўрнатишга қарор қилдилар. Автомобилнинг юқори тезликка эга эканлиги туфайли “Ксара” тормоз тизими тубдан ўзгартирилди. Натижа ёмон бўлмади: автомобилнинг соатига 100 км тезликка эришиши учун атиги 2,9 секунд вақт керак. Руль бошқаруви ҳам ўзгариб анча “кескин” бўлди - “Ксара-Брейк” да руль ўнг чеккадан чап чеккагача 3,2 марта айланса, бу машина 2,5 марта айланади. Машина салони, албатта, беш эшикли Хетчбекникидек кенг эмас, шундай бўлса-да, орқа ўриндиқда ҳам икки нафар катта ёшли одам бемалол ўтира олади.

“Автолам”дан

ЎЗ ХОТИНЛАРИГА ОТА

Австрияда бир гап бор экан: ақли одамнинг хотини қиз, бахтиёр одамнинг аёли ўғил туғади. Бу борада Билл Тейлор деган кишининг роса омади чопган экан. Унинг хотини 18 та қиз туғиб берибди. Аммо кўёдан ёлчимабди. Катта қизининг эри Майк Блэйн хотини билан ажрашган, қизинингисига уйланибди. Бироз яшаган, ундан ҳам ажралиб, собиқ хотинининг синглисига билан никоҳдан ўтди. Шундай қилиб у Тейлорларнинг 12 нафар опасингилларига бирма-бир уйланиб чиқибди.

Омадсиз куёв ўн учинчи марта турмуш қурибди. Бу сафар ҳам у қайлиқ қилириб кўп овора бўлмабди. Собиқ хотинларининг отаси қазо қилгандан қайтганиб, собиқ қайнонасининг қўлини сурабди. Унинг ҳам собиқ куёвида қўлга бор экан, эрга тегишга рози бўлибди. Шундай қилиб, Майк собиқ 12 нафар хотинига ота бўлибди.

ЮЗДУЗЛАР САМОДАН СУЗЛАЙДИ (1 мартдан-7 мартгача)

ҲАМАЛ. Душанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Сешанбадан кўнғироқ кутинг. Чоршанба куни совға оласиз. Пайшанба ва жума куни баҳорий кайфият сизни тарқ этмайди. Шанба кўнғилли ўтади. Якшанбада яқин одамингиз билан учрашасиз.

САВР. Ҳафта бошида тасодиқий кўнғироқ бўлади. Сешанбада дўстларингиз билан учрашасиз. Чоршанба ижодкорлар учун сермахсул кун. Пайшанба ва жума кунлари ўзингизни эҳтиёт қилинг. Шанбада оила аъзоларингиз даврасида бўлганингиз маъқул. Якшанбада яхши дам олинг.

ЖАВЗО. Душанбадаги баъзи кўнғилсизликларга аҳамият берманг. Сешанба куни сизни учрашувга таклиф қилишади. Чоршанбада қаттиқ қувонасиз. Пайшанба зиддиятли кун. Жумада соғлиқ кайфиятингиз яхши эмас. Шанба куни яхши дам олинг. Якшанбадаги ижодингиз самарали бўлади.

САРАТОН. Душанбадаги хабардан кайфиятингизни бузманг, акс ҳолда бу соғлигингизга таъсир қилади. Чоршанба дўстлар даврасида кўнғилли ўтади. Пайшанба ҳамкорлар билан битимлар тузишга қўлай кун. Жума куни майда гаплардан йироқ юринг. Шанбада ҳамингиз тўлади. Якшанба кунги хариддан қувонасиз.

АСАД. Ҳафта боши сиз учун жуда омадли келади. Сешанбада сиз чексиз қувонасиз. Чоршанбада сирли учрашув. Пайшанбадан кўнғироқ кутинг. Жума куни кайфиятингиз о'кей. Шанба дўстлар даврасида яхши дам олишга имкон яратади. Якшанбада алданиб қолманг.

СУНБУЛА. Душанбада хушхабар эшитасиз. Сешанба куни яқин



Ассалом, баҳор!

одамингиз билан учрашасиз. Чоршанба ишқий саргузаштларга бой бўлади. Пайшанба куни муҳим ишларга қўл урманг. Жума ва шанба куни дўстларингиз билан дам оласиз. Якшанба куни спорт билан шуғуллангиз.

МЕЗОН. Душанба ва сешанба кунлари ҳаммани ўзингизга ром қиласиз. Чоршанба ижод учун самарали кун. Пайшанбада кўп асабий-лашманг. Жума куни ҳамингиз тўлади. Шанбада оила аъзоларингиз билан яхши муомалада бўлинг. Якшанбадаги хариддан жуда мамнун бўласиз.

АҚРАБ. Ҳафта бошидаги баҳорий кайфиятингизни атрофдагиларингизга улашинг. Чоршанбада жанжалли вазиятлардан нари юринг. Пайшанба куни сеvimли машғулотиңиз билан шуғулланганингиз маъқул. Жумада ўзингизни эҳтиёт қилинг. Шанба ва якшанбада оила аъзоларингиз даврасида дам олинг.

ҚАВС. Душанба куни иқир-чиқирларга аҳамият берманг. Сешанба куни эшитган хабарингиз сизни беҳад қувонтиради. Чоршанбадан кўнғироқ кутинг. Пайшанбада сирли учрашув. Жума ва шанбани дўстларингиз даврасида ўтказасиз. Якшанбада яхши дам олинг.

ЖАДЪЙ. Душанба куни оғирроқ бўлишга ҳаракат қилинг, асабингизни бузманг. Сешанбада ошқиларингиз кўпаяди. Чоршанба кунги илқ сўзлар фақат сиз учун. Пайшанбада ишга кўмилиб кетасиз. Жума ва шанба куни сафарга чиқасиз. Якшанбани ўзингизга бағишланг.

ДАЛВ. Душанба куни ишдан ташқари соғлиқ ҳам кераклигини унутманг. Сешанба бироз зерикарли ўтади. Чоршанба куни совға оласиз. Пайшанбада ҳамкорлар билан тузилган битим ўз самарасини беради. Жума куни сирли учрашув. Шанбада совға оласиз. Якшанбани табиат кўйида ўтказганингиз маъқул.

ХУТ. Ҳафта бошида сиз қутилмаган хушхабарлардан воқиф бўласиз. Сешанбада ўзингизни чарчатиб қўйманг. Чоршанбадаги хариддан қувонасиз. Пайшанба куни ҳиссиётларга берилиб кетманг. Жума серҳосил кун, бошлаган ишларингизни натижасини кўрасиз. Шанба ва якшанбада яхши дам олиб соғлигингизни тиклаб олинг.

ТАЛЛИН. Буюк Британия мудофаа вазири Жорж Робертсоннинг Эстонияга ташрифи бошланди. Ташриф дастурига кўра, у мамлакат президенти Леннарт Мери, ташқи ишлар вазири Раул Мялк ҳамда ҳамкасби Андрус Эвел билан учрашади.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида ҳарбий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақа мамлакатларининг НАТОга аъзо бўлиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Ж.Робертсон Болтиқбўйи ҳарбий коллежининг очилиш маросимида ҳам иштирок этади. Бу билим даргоҳида Латвия, Литва ҳамда Эстония курали кучлари учун кадрлар тайёрланади.

БОНН. Германияга ташриф буюрган Миср президенти Хусни Муборак Европа Иттифоқи мамлакатлари, жумладан, Герма-



ния Яқин Шарқ можазоларини тинч йўл билан ҳал қилишда муҳим рол ўйнашини айтди. У Германия канцлери Герхард Шрёдер билан учрашиб, айнан шу ва бошқа халқаро масалаларда ўзаро фикр алмашди.

Г.Шрёдернинг айтишича, Яқин Шарқ масалалари юзасидан Германия билан Мисрнинг қарашлари муштарак ва бу борадаги ҳамкорлик яна давом этади. Х.Муборак 23 февраль куни икки кунлик ташриф билан Германияга келганди. Бундан илгарироқ у Италияда бўлиб, Римда мазкур мамлакат раҳбарияти билан учрашган эди.

МАДРИД. Испаниянинг «Реал» футбол жамоасига мураббий тайинлаш муаммоси ниҳоят ҳал қилинди. Уэлслик 49 ёшли Жон Бенжамин Топак жамоанинг 36-мураббийси бўлди. Б.Топак илгари ҳам бир неча маротаба Испаниянинг «Реал Соседад», «Депортиво» жамоаларига мураббийлик қилган. Шунингдек, 1989-91 йилларда «Реал» жамоасида ҳам ишлаган. Бу жамоа унинг раҳбарлиги остида 1990 йилда Испания чемпиони ҳам бўлган эди.

ЖАКАРТА. Индонезиянинг бир қанча шаҳарларида насронийлар билан мусулмонлар ўртасида бўлаётган можазолар ҳамон тўхтамаяпти. Шу боис Молукка оролининг маъмурий маркази - Амбон шаҳрига қўшимча армия қисмлари киритилди. Ҳарбийларга тартибсизлик келтириб чиқарган бузғунчиларга қарата огоҳлантирувсиз ўт очиш буюрилган. Радио ва телевидение аҳолини уйидан чиқмасликка чақирмоқда.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги сиёсий беқарорликка нисбатан ўз муносабатларини билдирар экан, бу Индонезия муаммолари «иккинчи Болкон» муаммосини келтириб чиқариши мумкин, деган хавотирни билдирмоқда.

ПЕКИН. Хитой ҳукумати 2001 йилгача мамлакатдаги қўлаб қўмир конларини ёпишга қарор қилди. Бундан қўзланган мақсад маблағларни иқтисод қилиш ҳамда соҳани истиқболли соҳага айлантиришдан иборат. Чунки ўтган йили қатор конлар бир неча миллиард юан миқдорида моддий зарар кўрганди.

Конларнинг ёпилиши Хитойда йилга 250 миллион тонна камроқ қўмир қазиб олиншига ҳамда 500 минг кишининг ишсиз қолишига сабаб бўлади. Шу боис ҳукумат масаланинг бу томонини ҳам жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади, дейилади мазкур хабарда.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЎШЛАРИНИНГ
«КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Назкат УСМОНОВА

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Жабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69



МАНЗИЛИМИЗ:

ТАХИРИЯТ Матбуот-нашриот кўчаси, 22-й
Тахририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назардан фарқлангани мумкин.